

**Адизов Бахтиёр Раҳмонович**  
Бухоро давлат университети  
педагогика кафедраси профессори,  
педагогика фанлари доктори

## **МИНТАҚАВИЙ ВА ХАЛҚАРО ТЕНДЕНЦИЯЛАР ДОИРАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА УНИНГ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ**

Жаҳон таълим бозорининг ўзига хослиги кучли рақобатга асосланганлигидадир. Чунки биринчидан, таълим борган сари кўпроқ мамлакатларнинг глобаллашаётган меҳнат ва энг янги технологиялар бозорларига кириб бориш воситасига, иккинчидан, эса, янги бозорларни эгаллашда давлат иқтисодий стратегиясининг муҳим унсурига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг билим даражаси унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги даражасини белгилайди. Таълим соҳасининг барқарор ривожланиши мамлакатимизнинг жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг гаровидир. Унга эришишда таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида таълим муассасаларининг самарали фаолиятини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш даврида, ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришишнинг етакчи омили бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, инсон омили ишлаб чиқариш ресурслари орасида асосий омил бўлиб ҳисобланади. Чунки бошқа барча омиллар, унинг бевосита таъсири ва фаол иштирокида ҳаракат қилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим соҳасининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни унинг ривожланиши билан ўзгариб боради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўзагини кадрлар тайёрлаш миллий модели ташкил этади. Ушбу моделнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидаги ҳолатларда ўз аксини топган:

- Ўзбекистон халқининг миллий менталитети, тарихий анъаналар, юртимизда ва ривожланган мамлакатларнинг таълим соҳасини ривожлантириш борасида тўпланган тажрибага асосланганлиги;

- таълимнинг асосий турлари ўртасида узлуксизлик ва ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги;

- кенг қамровлилиги ва ички яхлитлиги;

- шахс, давлат ва жамиятда, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлигини, уларнинг ўзаро алоқадорлигини акс эттириши.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг мақсади жисмонан, ақлан ва маънавий жиҳатлардан камол топган шахсни тарбиялашдан иборат. Унинг асосий вазифаларидан бири таълим соҳасини ривожлантириш, таълимнинг илм-фан ва ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқаларини таъминлашдир.

Ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги, тараққиёти қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. 16 фоиз – моддий-техник базага боғлиқ.
2. 20 фоиз – ресурсларга боғлиқ.
3. 64 фоиз - инсон омилига боғлиқ.

Дунёда таълим соҳаси мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи етакчи омилга айланди. Аҳолининг билим даражаси, таълим ва фан инфратузилмасининг ривожланганлиги, янги билимлар, инновация фаолияти, ишлаб чиқаришдаги янги технологиялар иқтисодиётни барқарор ва самарали ривожлантиришнинг зарурий шarti бўлиб ҳисобланади. Таълим хизматлари бозорининг шаклланиши жаҳонда рўй бераётган глобаллашув шароитида мамлакатларнинг халқаро меҳнат ва янги технологиялар бозорларига кириб боришининг воситасига айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, жаҳон таълим хизматлари бозори юқори даражадаги рақобатга асосланган дейишимиз мумкин. Ушбу ҳолат ривожланган мамлакатларда таълим тизимини устувор ривожлантиришга алоҳида эътибор берилишига сабаб бўлмоқда.



Маълумки, Ўзбекистон Республикасида жорий қилинаётган таълим тизимининг миллий модели таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизга хос бўлган жиҳатларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Мамлакатимизда таълим тизимининг миллий моделини шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида янги таълим тизими такомиллаштирилиб борилмоқда. Ушбу жараён узлуксиз ҳисобланади. Бир тарафдан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иккинчи тарафдан дунёда рўй бераётган глобаллашув жараёни янги шарт-шароитларни, ўзгаришларни вужудга келтирмоқда.

Минтақавий ва халқаро тенденциялар доирасида олий таълимнинг долзарблиги ва унинг сифатини таъминлаш мақсадида олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланди:

✓ ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий

10 ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

✓ олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, олий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг талабларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;

✓ таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш;

✓ янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, энг янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш;

✓ педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш;

✓ олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

✓ олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш;

✓ олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ўқув ва илмий-лаборатория бино ва корпуслари, спорт иншоотлари, ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим илм-фанининг устувор йўналишлари бўйича ўқув-илмий лабораторияларини замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозлаш орқали янада мустаҳкамлаш;

✓ олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларининг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини кенгайтириш [1].

Минтақавий ва халқаро тенденциялар доирасида олий таълимнинг долзарблиги ва унинг сифатини таъминлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

биринчидан, олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билимини баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти;

иккинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини, билимини ва педагогик кўникмасини баҳолашнинг замонавий тизими мавжуд эмаслиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда;

учинчидан, олий таълим муассасаларига кириш тест саволлари абитуриентнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини аниқлаш имконини бермаётганлиги иқтидорли ёшларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда муаммолар келтириб чиқармоқда;

тўртинчидан, олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилмаганлиги ушбу соҳада кўплаб муаммоларнинг, энг аввало, коррупция ҳолатларининг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда;

бешинчидан, олий таълим муассасаларининг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ва тизимли ўзгаришлардаги иштироки ҳамда ташаббускорлиги сезилмаяпти, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ханузгача қониқарсиз бўлиб қолмоқда;

олтинчидан, республикамизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали халқимизга, кенг жамоатчиликка тушунтиришда олий таълим муассасаларининг фаол иштироки йўлга қўйилмаган;

еттинчидан, олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаган, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, бугунги кунда минтақавий ва халқаро тенденциялар доирасида олий таълимнинг долзарблиги ва унинг сифатини таъминлаш: олий таълим тизимида малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш долзарб ижтимоий-иқтисодий масала бўлиб, олий таълим тизимида мутахассисларни тайёрлаш жараёнига хорижий тажрибаларни татбиқ этиш ва ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланиш, олий таълим тизими бошқаришнинг замонавий модернизациялашган корпоратив ҳамкорликни ривожлантириш, таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, таълим муассасаларининг таълим жараёнини ташкиллаштириш ва молиявий-хўжалик фаолиятини юритишдаги ҳуқуқ ва эркинлигини кенгайтириш бугунги куннинг долзарб масаласи саналади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.04.2017 йилдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909–сонли қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 10 май, 18-сон, 313-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.06.2018 йилдаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775 –сонли қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил 11 июнь, 23-сон, 474-модда